



КАРЛУКЛАР, корлук — ўзбек халки таркибига кирган этник уюшма.

3 кабиладан ташкил топган; улар Хитой солномаларида меуло (ёки мёули), чжиси (ёки пофу) ва ташили деб номланган. 6—7-асрларда булар Олтойнинг гарбий кисмида, Чориш (Обь дарёси ўзанларидан бири) дарёси хавзасида, Иртиш дарёсининг куйи оками бўйларида, Тарбагатайда ҳамда Жунгориягача бўлган катта ҳудудда яшаганлар. К, асосан, чорвачилик билан шугулланиб, бир ердан иккинчи ерга кўчиб, ўтовларда яшаганлар. К ҳудуди Шаркий ва Гарбий Турк ҳоконлиги ўртасида, стратегик қулай ерда жойлашгани учун улар ўртасида талаш бўлган. К ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун улар билан бетиним қураш олиб борганлар. 7-аср охирида Шаркий Турк ҳоконлиги Карлуклар ҳудудининг аксарият кисмини ҳоконликка кўшиб олган. 742 йил К, уйғурлар ва басмиллардан иборат қабила иттифоқи исён кўтариб ўз мустақилликларини тиклаганлар. Карлуклар элтибари (бошлиги) ўзини 3 қабиланинг шеҳуси (ябгуси) деб эълон қилади. Хитой кўшини билан араблар ўртасидаги Талас жангида Карлуклар хал қилувчи роль ўйнаганлар. 757—766 йилларда К Турғашлар давлати ҳудудини эгаллаб олганлар. Чу дарёси бўйидаги Суёб шаҳри Карлукларлар давлати маркази бўлиб қолган (766—940). Карлукларга Жунгория Олатовидан то Сирдарёгача бўлган ҳудуд қараган. Кейинчалик пойтахт Или дарёси водийсидаги Кўйлик шаҳрига кўчирилган. 861 йил К. Қошғарни эгаллашган. Карлукларнинг айрим гуруҳлари 8-аср ўрталаридан Зарафшон воҳасида, Фарғона водийсида, Шим. Афғонистон, Тожикистон ҳудудларида ҳам яшаган. 10-асрда Қорахонийлар давлати таркибига қиришган, илк мулкдорлик муносабатлари шакллана бошлаган. Карлуклар 960 йил ислом динини қабул қилишган. К. Шонйёзовнинг фикрича, қорахонийлар сулоласи бевосита Карлуклар давлати билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг тадрижий давоми ҳисобланган. 19-аср охири ва 20-аср бошларига қелиб К. Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларида, ҳоз. Сурхондарё вилоятининг Сарйосйё ва Шўрчи ҳудудларида яшаганлар. 1924 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида 10 мингдан ошқоқ, Тожикистон ҳудудида 7 мингга яқин Карлуклар яшаган. Кейинчалик Карлуклар ўз номларини унутиб, ўзбек ва тожик миллатлари таркибига сингиб қетган.

Карлуклар

Муаллиф:
30.09.2023 16:12 -

Ад. Шониёзов К.